

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2018  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

<b>З.ПАРДАЕВА</b>	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси .....	63
<b>С.ҚУРОНОВ</b>	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
<b>Ф.ДАДАБАЕВА</b>	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
<b>М.ЖУРАЕВА</b>	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

## ТИЛШУНОСЛИК

---

<b>А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ</b>	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар .....	76
<b>Д.ТУРДАЛИЕВА</b>	
Лисоний имконият ва бадий санъат .....	79
<b>Н.АБДУЛЛАЕВА</b>	
Синтактик градуонимия.....	84

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

<b>А.ХОЖИМИРЗАЕВ</b>	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни .....	87
<b>Р.ДЖАЛИЛОВА</b>	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

<b>К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА</b>	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
<b>Л.РАХИМОВА</b>	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари .....	99
<b>М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ</b>	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири .....	101
<b>А.ЭРМАТОВ</b>	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш .....	103
<b>Л.БЕГИМҚУЛОВА</b>	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
<b>М. УСМАНОВА</b>	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши .....	108
<b>Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА</b>	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари .....	111
<b>Н.ТОШЕВА</b>	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
<b>Г.РОЗИҚОВА</b>	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
<b>З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРҲУЖАЕВА</b>	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
<b>Ш.АСКАРОВА</b>	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
<b>М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ</b>	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

<b>Илмга бахшида умр.....</b>	126
-------------------------------	-----

## РОМАН ЖАНРИНИНГ КУЛЬТУРОЛОГИК ҚИЁФАСИ

## 3. Пардаева

**Аннотация**

Мақолада роман жанри культурологик жиҳатдан қиёсланади. Забардаст қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси ва истеъдодли ўзбек ёзувчиси Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи қиёсий таҳлил этилиб, икки асарга хос мавзу ва ғоя талқини очиб берилади.

**Аннотация**

В статье рассмотрен жанр романа в культурологическом аспекте. Сопоставляя повесть выдающегося киргизского писателя Ч.Айтматова «Жамила» и роман талантливого узбекского писателя Лукмана Бурихана «Люди под палящим солнцем», раскрывается интерпретация идеи и темы этих двух произведений.

**Annotation**

In the article the genre of the novel in culturological aspect is considered. By comparative analysis the Kyrgyz writer of the XX th century Chingiz Aitmatov's novel “Jamila” and modern Uzbek writer Lukhmon Burikhon “Men in heat”, the peculiarities of the themes and ideas of the two novel are revealed.

**Таянч сўз ва иборалар:** роман, жанр, тадриж, тамойил

**Ключевые слова и выражения:** роман, жанр, эволюция, принцип.

**Keywords and expressions:** novel, genre, evolution, principle.

Роман жанри тарихи шуни кўрсатадики, у ўз тараққиёт жараёнида бир даврдан бошқа бир ривожланган даврга ўтар экан, ўзгача бўлган мустақил йўналиш ёки йўналиш тамойили роман тафаккурини намоён этишда бирон-бир бадий компонентга айланган. Достоевскийнинг асарларига хос психологик таҳлил романдаги кўповозиликни таъминловчи ёзувчи услуби сифатида, ёки Пруст ижодидаги қаҳрамон яшаб ўтган реал воқелик онг призмасида таҳлил этилаётган «вақт» чегараси каби намоён бўлиши ушбу жанр тадрижида юзага келган бирон-бир бадий жараён ўз даврини шунчаки яшаб ўтиб кетмасдан, вақти-вақти билан роман жанри ички талабидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлишини кўрсатади. XX асрнинг ўрталарида ғарб романчилигида, унинг атрофида юзага келган баҳс ва мунозараларда инкор этилган модернизм ҳамда реализм синтези 80-йилларга келиб роман жанри динамикасини таъминловчи асосий услублардан бўлиб қолди.

Роман жанрининг янги бадий хусусиятлари ва имкониятлари ҳар бир асарда ўзига хос намоён бўлади, янги кашф этилади. Ҳар бир даврнинг ўзига хос муаммолари бўлгани каби, ўша даврга хос бўлган қаҳрамон романга ўзи мансуб давр, замон, воқелик муаммоларини олиб киради. Шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт ҳам романда бадий талқин этилади.

Ўзбек ёзувчиси Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи билан танишар эканмиз, беихтиёр XX асрнинг забардаст ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасини ёдга оламиз.

Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасида II жаҳон уруши йилларида қирғиз миллатининг фронт ортидаги заҳматли ҳаёти тасвирланган. Қисса сюжети рассомнинг болалик хотираларига асосланади. Унинг муқаддимасидаёқ ўқувчи олдида ғаройиб тугун пайдо бўлади. Хўш, ўша сирли суратдаги оёқ излари кимники? Мана асар оҳанграбоси бизни ўзига торта бошлади. Бу, Сеит исмли ўсмир боланинг ҳикояси. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Жамила. Серғайрат, жўшқинлик, ёшлик барқ уриб турган латофатли аёл тимсоли. Энг асосийси у Сеитнинг акасининг хотини, янғаси. Атрофида кезиб юрган совуқ уруш шарпаси Жамилани ҳам заҳридан бенасиб қилмаган. У янги келинлигидаёқ эри ҳамма қатори урушга кетган. Ҳали муҳаббат нима, бахт нима англаб улгурмаёқ ёлғизлик исканжасида қолган келинчак. Атрофдагиларнинг унга меҳри бўлак, айниқса Сеитнинг. Сеитнинг тасавурида Жамила идеал аёл тимсоли. Жамиланинг хатти-ҳаракатлари, ўзгача феъл-атвори, эркалик, шўхликлари бу ўсмир боланинг завқини келтиради, ҳаётга бўлган иштиёқини оширади, хаёлини ўғирлайди. Бу орада овулга Дониёр исмли йигитнинг қайтиши, улар билан бирга

3. Пардаева – ЖДПИ профессори, филология фанлари доктори.

ишлай бошлаши асар воқеаларида бурилиш ясайди. У овул йигитларидек шўх, жўшқин эмас эди. Аммо жуда сирли эди у. Жамилани ҳам шу жиҳати билан ўзига торта бошлади. Аста-секин уларнинг орасида илиқ муносабатлар пайдо бўла бошлади. Сеит бу муносабатларни қораламайди, нафрат билан қарамайди, хиёнат деб қабул қилмайди. Унинг бу қарашлари бевосита ўқувчини ҳам шунга ундайди. Сеит Дониёрнинг куйларини тинглаб, “У – қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди!”, дейди. Дониёрнинг куйлари унинг қалбида Она Ерга, Ватанга, ҳаётга меҳрини оширади. Унинг наздида Жамила унга меҳр беришга улгурмаган Содиққа эмас, балки шу юксак қалб соҳиби Дониёргагина муносиб.

Дониёр ва Жамила ўртасидаги туйғуларни ёзувчи шундай тасвирлайдики, ўқувчи ҳар кўнгилнинг муҳаббатга ҳаққи бор, деб уларга хайрихоҳлик билдира бошлайди. Шу муносабатларнинг ўзиёқ муҳаббатнинг турли қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Жамила ўз туйғулари, бахти учун курашади. Ундаги исёнкорлик, жўшқинлик ҳар қандай тўсиқларга, гап-сўзларга қарамасдан ўз тақдирини ўзи ҳал эта олиш кучини беради. Жамиланинг муҳаббати уч инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини, келажagini белгилашга асосий туртки бўлади. Жамила, Дониёр ва Сеитнинг келажagini. Асардаги воқеаларнинг бу тахлит якун топиши асарнинг бош ғояси инсон ўз бахти, ўз тақдирини ўз кўли билан яратади, деган фикрни янада мустаҳкамлайди. Луқмон Бўрихон қаламига мансуб “Жазирамадаги одамлар” романи мутолааси бизга жуда катта маънавий озуқа, завқ беради. Асарга кириб борар эканмиз, унда миллий адабиётларнинг ўзаро адабий-бадиий таъсирини сеза бошлаймиз. Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси, Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романлари ўртасидаги умумийлик ва фарқлари таҳлилидан аввал биз бу асарнинг яратилиши даврларига назар ташлашимиз лозим. “Жамила” қиссаси ўтган асрнинг ўрталарида битилган. Янги аср адабий маҳсули бўлган “Жазирамадаги одамлар” романида қиссада мавжуд бўлган мотивлардан фойдаланганлиги, яъни хотиралар, ўсмир боланинг ҳикоялари, унинг тасавуридаги идеал аёл тимсоли – янгаси, асардаги воқеалар мана шу икки образ атрофида содир бўлиши улар орасидаги ўхшашликларни кўрсатиб туради. Хўш, Луқмон Бўрихон юқоридаги мотивларни қай даражада янгилай олган. Асар воқеалари катта

кенгликда, гўзал талқинда ва юқори даражадаги аниқликда тасвирланади. Романда тасвирланган ҳаёт тинчлик ҳукм сурган “омон-омон замонлар” - мустақилликдан олдинги давр акс эттирилади. Асар бошланишида отасидан мактуб олган талаба йигитнинг ўсмирлик хотираларини жонлантиради.

“Ашур қамоқдан чиқибди”. Олис-яқин хотиралар, бир-биридан қизиқарли, таъсирли воқеалар тасвири ўқувчида қизиқиш уйғотиши билан бирга, унга янги бир дунё кашф этишга имкон беради. Самад – бу ўша, ёзувчининг сўзга чечан, руҳияти пок ҳикоячиси. Асар қаҳрамонлари тузум сиёсати туфайли тоғ бағридан жазирама чўлга кўчиб келган қишлоқ одамлари. Лекин улар биз ўйлагандек содда, очикқўнгил қишлоқ одамлари эмас. Улар инсонга хос бўлган фазилатлар билан бирга, салбий хислатларни ҳам ўзида жам этган оддий одамлар. Бу, айниқса, улар чўлга кўчиб келганларидан сўнг янада кўзга ташланиб қолади.

“Одамлар тоғдагидан баттар укубатли тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетишган эди. Электр чироқларидан чароғон, шаҳар фасонидаги бетон уйлару, асфальт йўллар ҳам уларни қутқариб қололмаган эди. Бора-бора ароқхўрлик, қартабозлик чўлқуварларни аввал эрмагига, сўнг чинакам маданий ҳаётига айланиб кетди”. Асардаги ушбу ифодалар 41-совхоз одамлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишимизда бирмунча йўналиш беради. Асарда ёзувчи чўлни ўзлаштиришнинг салбий оқибатларини ёритиш билан бирга, тилга олинган ҳар бир қаҳрамоннинг маълум воқеалардаги хатти-ҳаракатлари, руҳий ҳолатини, феъл-атворини ўзига хос чиройли тарзда очиб беради. Масалан, совхознинг бош ҳисобчиси Файзулла ака таърифни қуйидагича келтиради: “...юриш-туришидан алланечук хокисорлик, мулойимлик ёғилиб турар, давраларга ипақдек эшилиб суқилар, муллага мулла, фосиққа фосиқ бўлиб кўринар, хуллас, отам айтганидай, “размерсиз пайпоқ”қа ўхшар эди”. Самад ҳикояларининг асосини айнан бош ҳисобчининг оиласи ҳаёти билан боғлайди ва шу орқали Файзулла ака хонадонига шаҳарлик қизнинг келин бўлиб келиши, унинг гўзаллиги, фаҳму фаросати одамлар орасида дув-дув гап бўлиши ўзгача ҳавас уйғотади. Унинг мурғак тасавури дунёдаги барча яхшиликларни Лола янга қиёфасига жойлайди.

“Севги ва севинч учқунлари сачрайди унинг юз-кўзларидан. Бу учқунлар чор-

тарафда алангалар кўзгайди, алангаки, унинг тафтидан хасаду ҳасрат, фисқу фужур омонат ниқобдек кулга айланиб, кўнгиллар тонги шудринг каби бир қур тозаради. Шу сабаб катта-ю кичик, ёшу-қари, аёлу-эркак Файзулла ака хонадонига интилади”. Самаднинг тилидан айтилган бу сўзлар Лолахон тимсолини ўқувчи қаршисида ҳам маълум даражада юксакларга кўтаради. Келин бўлиб тушгандан сўнг бир йил оралиғида Лолахоннинг эри Ўроқбой ҳарбий хизматга кетади ва бир қанча муддат ўтгач, совхозга Ўроқбойнинг ўлими ҳақида хабар келади. Бу машъум хабар бутун совхоз аҳлини гангитиб қўяди, гўё баҳор бирдан ўрнини аёзга бўшашиб бергану, унинг совуғи энди гул-гул очилган Лолани хазон қилади. Ўроқнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган Лолахоннинг ҳолатини ёзувчи шундай тасвирлайди:

“Лолахон! У совуқ шамол учириб кетган хас каби титраб-қақшаб ошхона бўсағасида ўтирар, қоп-қора кўзларидаги жиққа-жиққа ёш, қоп-қора косада қайнаб тошаётган симобдай ёноқларига чилп-чилп оқиб тушар эди”.

Руҳий ҳолатнинг бундай аниқ тасвири беихтиёр ўқувчи қалбини ҳам жунбушга келтиради. Ёрининг ўлиmidан изтиробга тушган Лола шаҳарга қайтишни ихтиёр қилмайди. Онасининг чорловларига у: “булар мени қизим дейишган. Тақдиримни ўзлари ҳал қилишсин. Улар менга ҳеч қачон ёмонлик соғинишмайди, ишонаман”, деб жавоб беради. Ана шу воқеалардан кейин ҳаётлигида на совхозда, на оилада иш кўрсатмаган Ўроқ ўлиmidан сўнг, гарчанд унинг қаерда ва қандай ўлим топгани маълум бўлмаса-да, қишлоқликлар наздида бемисл қаҳрамонга айланди. Бу мусибат Лолахонни қаҳрамоннинг буюк бевасига, садоқат маъбудасига айлантиради. У энди шунчаки шаҳарлик келин эмас, ўша муҳит одамлари гапиришлари учун бош мавзу эди. Лолахон айтганидек, унинг тақдирини ана шу ҳақиқатга тик қарай билмаган, кўр-кўрона ҳаёт кечираётган, ўз висир-висир, миш-мишларига ружу қўйган оломон ҳал эта олиш қудратига эга бўлган. Уларни бу ёш, навниҳол жувоннинг нималарни ўйлаши, изтироблари, қалб кечинмалари, тирик хилқат сифатидаги эҳтиёжлари мутлақо қизиқтирмас эди. Лолахон ҳам ўз-ўзидан бу

муҳитга бўйсунди. Ёзувчи бу билан шахснинг жамият фикри олдида ожизлигини кўрсатиш билан бирга Самаднинг отаси айтган фикрлар орқали шахс эрки, инсон бахти учун ҳар қандай ижтимоий ҳукми лозим бўлса енгиллигини ўқтиради. Аввал қалб амри билан умрбод “қаҳрамон”нинг содиқ беваси бўлишдек масъулиятни бўйнига олган Лола бир тантанали маросимда фахрли бева кампир билан учрашиб даҳшатга тушади. Гуё ўзи танлаган йулнинг келажагини кўргандай бўлади.

Асар сўнгида қишлоқда тўй бўлаётган бир оқшомда Самаднинг ўртоқлари билиб-билмай қилган тухматлари туфайли Лолахон қайниси Ашурнинг эҳтиётсизлигидан ҳалок бўлади. Бу ўлим яна ўша оломоннинг тилига жон беради. Улар қандай қилиб Лолахонни осмонларга кўтарган бўлсалар, шундай шафқатсизларча балчиққа белаб ташлайдилар. Ёзувчи асар орқали бир қишлоқ ҳаёти, миллатнинг маълум бир қатлами ҳаётининг бутун икир-чикирлари билан яққол тасвирлайди. Шу биқиқ ҳаётнинг ўнгу сўл тарафларини тўлиқ кўрсатиш билан шундайларга ижобий таъсир ўтказишга умид боғлайди.

Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси ва Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи турли даврлар, турли миллатлар, турли характерлар тасвири жо бўлган асарлардир. Улар – ҳаёт дафтарида инсон қиёфасига, аёл қалбига аниқ чизгилар, ёрқин ранглар жилоси. Икки адиб томонидан яратилган ҳажман турли кенгликлардаги ушбу асарларни нима боғлаб турибди?...

Кўриб ўтганимиздек, Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасида шахс эрки, унинг хоҳиш иродаси ижтимоийликдан устуворлиги асосий ғоя бўлса, Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романида жамоат фикри тазйиқидаги қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ёрқин тасвирларда акс этади. Шунинг англаш мумкинки, бу одамлар чўл жазирамасида эмас, ўзлари ўйлаб чиқарган анъана-ю қадриятларнинг тафтида куяётгани аниқ. Асар ҳаётда шундай ғафлатда яшаётганларни уйғонишга даъватдир.

#### Адабиётлар:

1. Айтматов Ч. Жамила. Танланган асарлар. 1 том. – Т., 1986.
2. Луқмон Бўрихон. Жазирамадаги одамлар. – Т., 2006.